

Pearson BTEC Ўзбекистон 4-даража

Давлат ва хусусий секторда маъмурий қўллаб-қувватлаш

соҳаси бўйича

Малакалар

12-модул: Иш тажрибаси

Ўқитувчи Ресурслари

1-нашр



Edexcel, BTEC ва LCCI малакаси

Edexcel, BTEC ва LCCI малакаси бутун дунёда тажрибадан ўтган ва тан олинган, академик ва касбий малака тақдим этадиган малака бериш бўйича Буюк Британияда энг йирик ташкилот ҳисобланадиган Pearson томонидан берилади. Қўшимча маълумот олиш учун qualifications.pearson.com сайтимизга ташриф буюринг. Бундан ташқари, сиз qualifications.pearson.com/contactus саҳифасида биз билан боғланиш учун берилган тўлиқ маълумотлардан фойдаланган ҳолда ҳам боғланишингиз мумкин.

Pearson ҳақида

Pearson – 70 дан ортиқ давлатда 35 000 дан зиёд ходимга эга бўлган, ўқитиш орқали инсонларнинг ҳаётида сезиларли ўсишга эришишни таъминлаш мақсадида барча ёшдаги одамларга ёрдам кўрсатиш устида ғайрат билан ишлаётган дунёдаги етакчи таълимга оид компания. Ўқувчилар компания манфаатларининг ва унга йўналтирилган ҳаракатларнинг маркази ҳисобланади, чунки ўқитиш тизимининг ривожланиши умуман инсонларга ижобий таъсир этади. Биз сизга ва ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришимиз мумкинлиги тўғрисида qualification.pearson.com сайти орқали кўпроқ билиб олишингиз мумкин.

Ушбу матнда келтирилган ташқи материалларга ҳаволалар ишончли ҳисобланади. Pearson ўзгартириш мумкин бўлган материалларнинг мазмуни ёки ҳар қандай билдирилган фикрларни маъқулламайди, тасдиқламайди ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. (Материал дарсликлар, журналлар, бошқа нашрлар ва веб-саҳифаларни ўз ичига олиши мумкин).

Мазкур ҳужжатдаги барча маълумот нашр этиш вақтига ҳақиқий ҳисобланади.

ISBN 978 1 446 96450 7

Ушбу нашрдаги барча материаллар

© Pearson Education Limited 2020 нинг мулки ҳисобланади.

Мундарижа

Кириш	1
12-модул: Иш тажрибаси	3
Ўқув қўлланма	3
Иш схемаси	7
Дарс режаси	13

Кириш

Ушбу ресурс ўқув-услубий материали Pearson ВТЕС Ўзбекистон 4-даража Давлат ва хусусий секторларида маъмурий қўллаб-қувватлаш соҳаси бўйича малакалар спецификациясига қўшимча ҳисобланади. Спецификация сизга нима ўрганилиши ва нима баҳоланиши кераклигини кўрсатиб беради. Мазкур ресурс ўқув-услубий материали сизга буни қандай бажаришингиз тўғрисидаги таклиф ва ғояларни тақдим этади.

Ушбу ўқув-услубий материал сизга таълим бериш ва ўқитиш учун ғояларни, жумладан амалий тадбирларни, реал сценарийларни, иш берувчиларни мустақил ўқитишни тақдим этиш ва бошқаришга жалб этишни ҳамда тестларга тайёргарлик усулларини таклиф этади. Шунингдек, ўқув-услубий материал сизга спецификациянинг ўз ичига олган маълумотларни амалда қандай ишлаши мумкинлигини кўрсатади ва сизни малакангиздан фойдаланишнинг турли усуллари ҳақида ўйлашга ундайди.

Мазкур ўқув-услубий материал сизга қуйидагиларни тақдим этади:

- малакадаги модулларни тақдим этиш учун йўриқнома
- малакадаги модуллар устида ишлаш учун тавсия этилувчи ресурслар
- бутун малака бўйлаб барча модулларда қамраб олинadиган мавзулар, тадбирлар ва баҳолашларни кўрсатувчи иш схемаси
- модуллардаги маълумотни қандай тақдим этиш тўғрисидаги батафсил йўриқномани ўз ичига оладиган дарс режаси.

Ушбу ресурс ўқув-услубий материалидаги маълумот малакалар учун материалларни яратиш билан боғлиқ бўлган ўқитувчилар томонидан тўпланган, шунинг учун улар ВТЕС малакаларининг янги ва жалб этадиган усулларини излашнинг муаммоларини тушунадилар.

Биз сизга индивидуал қўлланма тақдим этмоқдамиз. У ўқув мақсадларига ва модул таркибига бўлган ёндашувлар ҳақида таклифларни ҳамда қизиқарли ва турли хил машғулотлар учун ғояларни ўз ичига олади. Сиз шунингдек, унда ўз топшириқ ва вазифаларингизни қандай режалаштириш ва бажариш тўғрисида маслаҳатлар ва ғояларни топишингиз мумкин.

Биз ҳар бир модул учун диққат билан саралаб олинган Ресурслар рўйхатини киритдик. Ушбу Ресурслар рўйхатига ўқувчиларингиз фойдаланиши учун ва ўзингиз ўқитишда қўшимча материал сифатида фойдаланишингиз мумкин бўлган китоблар, веб-сайтлар ва видеолар киритилган.

12-модул: Иш тажрибаси

Ўқув қўлланма

Модул билан танишиш

Ушбу модулнинг мақсади ўқувчиларга ҳақиқий иш муҳитида ўз тажрибаларидан максимал даражада фойдаланишни ўргатишдир. Амалиёт ўқувчиларга кўникмалар, билимларни ривожлантириш ва ҳақиқий иш жойида дастлабки шахсий тажриба орттириш имкониятини беради. Модул ўқувчиларга махсус машқлар натижасида ушбу кўникмаларни ривожлантирганликлари сабабли уларни ишга муваффақиятли тайёрлашни кафолатлайдиган пойдевор билан таъминлайди.

Ўқувчиларга модулни бажаришга имкон берадиган ҳона берилиши керак. Ҳона ўқувчилар ўқиши билан боғлиқ бўлган жойда жойлашган бўлиши лозим.

А мақсадини ўрганиш учун ўқувчилар иш бошлашдан олдин ташкилот ва уларнинг ўрни ҳақида билиб олишлари ва тажрибадан нимани ўрганишни хоҳлашлари ҳақида ўйлаб кўришлари керак.

Б мақсадини ўрганиш учун ўқувчилар маълумот тўплашда фойдаланиладиган усулларни ва улар ривожлантирадиган кўникма турларини келажак иш берувчиларга ўзларининг қобилиятлари ва потенциалларини намоиш этишлари учун етарли эканлигига ишонч ҳосил қилишлари керак.

С мақсадини ўрганиш учун ўқувчилар ўзларининг иш тажрибалари тўғрисида қарор қабул қилиш имкониятига эга бўлишлари керак. Ўқувчилар ўзларининг тажрибаларининг келажакдаги касбларига таъсиридан хабардор бўлишлари ва ўзларининг касбий мақсадлари билан боғлиқ ривожланиш йўналишларини аниқлаш учун мос келадиган алоқа манбаларини танлаб олишлари керак.

Модулнинг бошланиши

Модулнинг бошланиши – бу мазкур модулни ўқитиш усулини тақдим этиш учун таянч нуқтаси ҳисобланади. У спецификацияда келтирилган, тавсия этилган баҳолашга нисбатан ёндашувга асосланган.

12-модул: Иш тажрибаси

Кириш

Ушбу модулда ўқувчиларга ҳақиқий иш жойида ишлаш кўникмаларини, билимларини ва дастлабки шахсий тажрибаларини ривожлантириш имконияти берилади. Улар ривожлантирадиган кўникмалар келажакда иш берувчилар учун ўзларининг қобилиятлари ва потенциалларининг исботи бўлиб хизмат қилади.

Амалиётга тайёргарлик кўриш жуда муҳимдир. Ўқувчиларга иш бошлашдан олдин ҳам ташкилот ҳам ўзларининг роллари тўғрисида маълумот топишда ёрдам бериш ва тажрибадан нимани ўрганишни хоҳлашларини ўйлаб кўришлари керак. Иш тажрибасини тўплаган ҳолда, улар қилган ишлари тўғрисида ёзувларни сақлайдилар. Амалиётдан сўнг улар ўзларининг тажрибалари ҳақида билиб олганликлари ва яхшиланиши керак бўлган жиҳатлари тўғрисида фикр юритадилар.

А ўқитиш мақсади – Иш тажрибасига тайёр бўлиш

- Ушбу ўқув мақсадини ўқитишни бошлашдан олдин, ўқувчиларга амалиёт ўташни бошлаётган ташкилот ҳақида маълумотлар тақдим этиш муҳимдир. Ўқувчилар ташкилот билан алоқа қилмасдан баҳолана олмайдилар.
- Ушбу ўқув мақсадига энг яхши мисол тарзида синф мунозараларини, тадқиқотларни ва турли ташкилотларда ишлаган (бу ўқитувчи ёки бошқа одам бўлиши мумкин) одамлар тажрибасини кўшиш орқали эришилади.
- Ўқувчилар ишга киришга тайёргарлик кўриш, уни бошлашдан олдин ижобий тажрибага эга бўлиш эҳтимолини оширишини тушунишлари муҳимдир. Ташкилот ҳақида олдиндан маълумотни билиб, улар нимани кутаётганларини билиб оладилар ва бу уларнинг ташкилотга ижобий ҳисса қўшишлари эҳтимолини оширади. Шунингдек, ўқувчилар қандай қилиб ижобий таассурот қолдиришни тушунишлари муҳим – бу уларга мазмунли ва конструктив ишларда қатнашиш имкониятини оширади.
- Ташкилотда қандай “иш маданияти” мавжудлигини олдиндан айтиш қийин ва шунинг учун улар ташкилотларнинг бу борада қандай фарқ қилиши мумкинлигини тушунишлари керак – бу улар ишлай бошлаганда кутилмаган ҳолга тушиб қолиш хавфини камайтириши керак.

12-модул: Иш тажрибаси

- Ўқувчилар, шунингдек, иш тажрибасидан қандай фойда олишни исташлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишлари керак. Еҳтимол улар бу ҳақда ўйламасликлари мумкин, шунинг учун уларга фикрларини гуруҳларда бўлишиш учун вақт керак бўлиши мумкин, бу уларга қарор қабул қилишга ёрдам беради.

В ўқитиш мақсади – Иш тажрибасига хавфсиз ва тегишли тарзда олиш

- Б ўрганиш мақсади стажировка ўтказиладиган ташкилот доирасида амалга оширилади, лекин ўқувчилар кириш брифингидан нимани кутишлари кераклиги тўғрисида олдиндан ўйлаб олишлари керак, шунингдек, ҳар куни ўзларининг тажрибаларини журналларида қайд этишлари муҳимдир.

С ўқитиш мақсади – Иш тажрибасини кўриб чиқиш

- Ўқувчилар бир қатор манбалардан олинган фикр-мулоҳазалардан фойдалана олишлари керак. Ўқувчилар шуни билишлари керакки, самарали ифодалаш кўплаб нуқтаи назарларни талаб қилади ва фақат бирон бир фаолиятнинг муваффақиятига ёки муваффақиятсизлигига асосланмаслиги керак.
- Ўқувчилар бирор бир лавозимга тайинланаётганларида унинг келажакда режалаштираётган касблари билан алоқадорлигини тушуниб етишлари керак.

Ресурслага талаблар

Веб-сайтлар

<https://www.studyinternational.com/news/work-experience/>

Ўзларининг иш тажрибаларидан максимал даражада фойда олиш ҳақида маслаҳатларни мужассамлаштирган блог.

<https://targetcareers.co.uk/careers-advice/skills-and-experience/313849-how-to-make-the-most-of-your-work-experience-placement>

Одамларга иш тажрибасидан максимал даражада фойдаланишга ёрдам берадиган веб-сайт.

Pearson ҳар қандай ташқи интернет саҳифаларининг мазмуни учун жавобгар эмас. УРЛ-манзил ҳали ҳам аниқ, долзарб ва тегишли эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун ўқитувчилар ҳар бир веб-саҳифани синфда ишлатишдан олдин уни кўриб чиқишлари муҳимдир. Биз ўқитувчиларга фойдали веб-саҳифаларни сақлаб қўйишларини ва ўқувчиларга уларга мактаб / коллеж интернетини орқали киришни таклиф қилишларини таклиф қиламиз.

Иш схемаси

Модул	12-модул: Иш тажрибаси
Ўқув соатлари	30
Дарсларнинг сони	5 (бу ўқувчилар томонидан иш тажрибаси учун кетказилган вақтни ўзичига олмайди)
Дарслар ларнинг давомийлиги	2 соат
Бошқа модулларга ҳаволалар	Ушбу модул спецификациядаги барча модулларга ҳавола қилинади

Ўқитиш учун калитлар			
ЁМТ	Ёзма мустақил топшириқ	ММ	Материалниму стаҳкамлаш
ТЭС	Таклиф этилган спикер	Т	Ташриф
МЎ	Мустақил ўқтиш	ИТ	Иш тажрибаси

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
1	Модулга кириш: турли ҳил ташкilotлар ва иш тажрибасига тайёргарлик	ТЭС	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Модулнинг мақсадлари ва уларнинг қандай баҳоланишларини умумлаштириш. • Таклиф этилган спикер ёки ўқитувчи: Таклиф этилган маърузачи ёки ўқитувчи турли ташкilotларда ишлашни қандай бошлаганликлари, улар қанчалик бошқача бўлганликлари ва уларга мослашиш қанчалик қийин ёки осон бўлганлигини тасвирлашади. • Гуруҳларда машқлар: Ўқувчилар улар орасидаги фарқни аниқлаш учун турли ташкilotларда қандай ишлашни ўрганадилар. • Синфдаги муҳокама: Ўқувчилар хулосаларини тақдим этадилар ва қайси ташкilotда ва нима учун ишлашни хоҳлашларини муҳокама қилишади. 	Таклиф этилган спикер. Интернетга уланган қурилмалар.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
2	Ташкилот ҳақида маълумотларнинг аниқлаштирилиши	МЎ	<ul style="list-style-type: none"> • Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар иш бажариш орқали тажриба орттирадиган ташкилотни ўрганишни бошлайдилар. • Мустақил бажариш учун машқ, сўнгра гуруҳларда машқлар: Ўқувчилар ишга киришдан олдин билишлари керак бўлган бешта муҳим нарсаларнинг рўйхатини тузадилар. Кейин уларни гуруҳнинг қолган аъзолари рўйхати билан таққослашади ва энг муҳим беш нарсанинг янги умумий рўйхатини тузадилар. • Синфдаги муҳокама: Гуруҳ ғояларидан фойдаланиб, ўқувчилар ўрганишлари керак бўлган барча нарсалар рўйхатини тузинг. А1 модули таркибига ўқувчилар айтмаган нарсаларни қўшинг. • Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар иш тажрибаси орттирадиган ташкилот учун саволлар рўйхатини тузадилар. 	<p>Қоғоз.</p> <p>Флипчарт ва маркерлар.</p> <p>Ўқувчилар амалиётни ўтайдиган ташкилот учун контакт маълумотлари.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
3	Иш тажрибасига эга бўлиш учун тайёрланиш А ўқув мақсадининг баҳоланиши	БМ	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: Олдинги дарсни такрорлаш. • Мустақил баҳолаш машқи: Ташкилотлардан олинган жавоблардан фойдаланиб, ўқувчилар 1-вазифадаги 1-машқни бажарадилар. • Гуруҳларда машқлар: Гуруҳлар икки кишининг кейс-стадисини кўриб чиқадилар (бир киши жуда яхши иш тажрибасига эга, бошқаси эса унчалик ижобий иш тажрибасига эга эмас). Гуруҳлар нима учун уларнинг тажрибаси бир-биридан фарқли эканлигини аниқлайдилар. • Синфдаги муҳокама: Иш тажрибаларидан энг яхши фойдаланиш учун нима қилиш кераклигини рўйхатлаш учун гуруҳ машқларидан фойдаланинг. • Ўқитувчи тақдимоти: "Ўқитиладиган кўникмалар" нима? • Гуруҳларда машқлар: Гуруҳлар қайси кўникмалар ўз секторларида муҳимлигини ва нима учун шундай эканлигини аниқлайдилар. Шунингдек, улар муҳим техник билим ва кўникмаларни белгилайдилар. 	Баҳо учун иш дафтари. Кейс-стади. Ўқитиладиган кўникмалар бўйича тақдимот.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
4	Иш тажрибаси учун ҳоналар А ва В ўқув мақсадларининг баҳоланиши	БМ	<ul style="list-style-type: none"> • Мустақил бажариш учун машқ, сўнгра гуруҳларда машқлар: Ўқувчилар берилган кўникмаларга нисбатан кучли ва заиф томонларини, шунингдек, илгари муҳокама қилинган техник билим ва кўникмаларни баҳолайдилар ва уларни жуфтликда муҳокама қиладилар. • Ўқитувчи тақдироти: АЗ бўлимида модул таркибидаги рўйхат асосида ўқувчиларга иш тажрибасидан қандай фойда олишлари мумкинлигини ифодаловчи усулларни келтиринг. • Гуруҳларда машқлар: Гуруҳлар турли хил имтиёзларни баҳолайдилар сўнгра уларни синфда таққослайдилар. • Мустақил баҳолаш машқи: Ўқувчилар 1-вазифадаги 2-машқни иш дафтарларига киритадилар. • Ўқитувчи тақдироти: Индуксия нима ва янги ташкилотда ишлай бошлаган кишини қандай яхши тайёрлашни ўз ичига олган қўлланма. • Синфдаги муҳокама: Иш тажрибангизни ҳисобга олишнинг муҳимлигини ва бусиз ўқувчилар 2-вазифани бажара олмасликларини муҳокама қилинг. 	Баҳо учун иш дафтари.
	Иш тажрибаси	ИТ/БМ	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчилар амалиётга 20 соат сарфлашади. Улар шунингдек, бу вақтдан баҳо учун иш дафтаридаги 2-вазифанинг иккала машқини бажариш учун ҳам фойдаланадилар (бу иш дафтарининг А иловасида келтирилган журнални тўлдиришни ўз ичига олади). 	Баҳо учун иш дафтари.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
5	Иш тажрибасини кўриб чиқиш С ўув мақсадининг баҳоланиши	БМ	<ul style="list-style-type: none"> • Гуруҳларда машқлар: Ўқувчилар ўз тажрибалари билан гуруҳларда бўлишадилар: уларнинг иш тажрибасининг энг яхши ва ёмон қисмлари нима эди? • Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар баҳо учун иш дафтаридаги 3-вазифани бажаришади. • Синфдаги муҳокама: Улар нимани билиб олдилар? Иш тажрибаси уларнинг касб танлашига қандай таъсир қилади? Келгуси йил курсни ўтайдиган бошқа кишига улар қандай маслаҳат беришлари мумкин? 	Баҳо учун иш дафтари.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 4-даража Давлат ва хусусий секторларда маъмурий қўллаб-қувватлаш соҳаси бўйича малакалар
Модул	12-модул: Иш тажрибаси
Дарс рақами	1

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Турли ҳил ташкилотлар тўғрисида тушунча бериш. • Ўқувчиларни улар иш жараёнида тўқнашиши мумкин бўлган турли ҳил иш муҳитларига тайёрлаш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • (Ихтиёрий равишда) Таклиф этилган спикер. • Интернетга уланган қурилмалар.
--------------------------	---

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФШ:** форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дакика)	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Модулнинг мақсадлари ва қандай баҳоланаётганлиги тўғрисида қисқача маълумот беринг. Ушбу дарсда ўқувчилар ташкилотларнинг хилма-хиллиги ва уларнинг иш маданияти қанчалик бир биридан фарқ қилиши мумкинлиги тўғрисида билиб олишларини тушунтиринг.
Асосий машқлар (100 дакика)	<ul style="list-style-type: none"> • Таклиф этилган спикер ёки ўқитувчи: Ўқитувчи ёки Таклиф этилган спикер турли хил ташкилотларда ишлашни бошлаш қандай бўлишини уларга мослашиш қай даражада осон ёки қийин бўлишини тасвирлайди. Синфга саволлар бериши учун вақт ажратинг. (40 дакика) • Гуруҳларда машқлар: Ўқувчилар интернетда тадқиқотлар олиб борадилар: ходимлар (ёки аввалги ходимлар) томонидан ёзилган ҳисобларни қидириб топишади, улар орасидаги фарқни аниқлаш учун ўз ташкилотларида қандай ишлашларини тасвирлашади. (30 дакика) • Синфдаги муҳокама: Ўқувчилар ҳулосаларини синфга тақдим этадилар ва қайси ташкилотда ва нима учун ишлашни хоҳлашларини муҳокама қилишади. Ўқитувчи уларнинг иш тажрибаларини эълон қилишда, улар ташкилот учун «муносиб» бўладими ёки йўқлигидан қатъи назар, ташкилотга мослашиш усулини топишлари кераклигини таъкидлаши керак. (30 дакика)
Якуний машқ (10 дакика)	<ul style="list-style-type: none"> • Дарснинг асосий вақтларини ўз ичига олган қичқача байон.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 4-даража Давлат ва хусусий секторларда маъмурий қўллаб-қувватлаш соҳаси бўйича малакалар
Модул	12-модул: Иш тажрибаси
Дарс рақами	2

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларни амалиётга тайёрлаш . • Улар амалиёт ўтайдиган ташкилот тўғрисида кўпроқ билиб олиш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Қоғоз. • Флипчарт ва маркерлар. • Ўқувчилар амалиёт ўтайдиган ташкилот учун контакт маълумотлар.
--------------------------	--

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФШ:** форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дакика)	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Олдинги дарсни такрорлаш. Ўқувчиларга, улар ёки таклиф этилган спикер тайёргарликнинг муҳимлиги ва янги ташкилотда ишлаш бошланишида мослашиш зарурати ҳақида гапиришганини эслатиб ўтинг. Уларга бу домий иш фаолиятида қанчалик муҳим бўлса амалиётда ҳам шунчалик муҳимлигини тушуниб етишлари учун имкон беринг.
Асосий машқлар (80 дакика)	<ul style="list-style-type: none"> • Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар имкон қадар кўпроқ ўрганиб ўз ташкилотларида тадқиқотлар ўтказишни бошлайдилар: <ul style="list-style-type: none"> ○ кўрсатилаётган хизматлар ёки ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар; ○ ташкилот тарихи; ○ ташкилот ўлчамлари; ○ компания тузилиши. <p>Бу гуруҳда намойиш қилиниши керак.</p> <p>(40 дакика)</p> • Мустақил бажариш учун машқ, сўнгра гуруҳларда машқлар: Ўқувчилар ишга киришишдан олдин билишлари керак бўлган бешта муҳим нарсаларнинг рўйхатини тузадилар. Кейин улар энг муҳим беш нарсанинг янги умумий рўйхатини тузиш учун гуруҳнинг қолган аъзоларининг рўйхатлари билан ўзлариникини таққослайдилар. <p>(20 дакика)</p> • Синфдаги муҳокама: Гуруҳ ғояларидан фойдаланиб, ўқувчилар ўрганиши керак бўлган барча нарсалар рўйхатини тузинг. А1 модули таркибига ўқувчилар эсламаган нарсаларни қўшинг. <p>(20 дакика)</p>
Якуний машқ (30 дакика)	<ul style="list-style-type: none"> • Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар амалиёт ўтайдиган ташкилот учун саволлар рўйхатини тузадилар. Ўқитувчи ташкилотнинг контакт маълумотларини тақдим этиши зарур. Ўқувчилар ўзларининг саволларини ташкилотга юборадилар ва кейинги дарсдан олдин (электрон почта ёки телефон орқали) жавоб беришларини сўрайдилар.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 4-даража Давлат ва хусусий секторларда маъмурий қўллаб-қувватлаш соҳаси бўйича малакалар
Модул	12-модул: Иш тажрибаси
Дарс рақами	3

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Иш тажрибасидан қандай қилиб яхши усулда фойдаланишни тушуниш. • Ўтказиладиган кўникмаларни тушуниш.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Баҳо учун иш дафтари. • Кейс-стади.
--------------------------	--

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФС:** форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дакика)	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Олдинги дарсни такрорлаш.
Асосий машқлар (70 дакика)	<ul style="list-style-type: none"> • Мустақил баҳолаш машқи: Ўқувчилар амалиётни ўташни режалаштираётган ташкилотлардан олинган жавобларни ишлатган ҳолда иш дафтарингиздаги 1-вазифанинг 1-машқини бажаринг. (20 дакика) • Гуруҳларда машқлар: Гуруҳлар икки кишининг кейс- стадисини ўрганишади: А одам жуда яхши иш тажрибасига эга, Б одам эса унчалик ижобий бўлмаган тажрибага эга. Кейс-стадиларда А, А2 ўқув мақсадларининг мазмуни мисоллари келтирилган. Гуруҳлар нима учун уларнинг тажрибалари бир биридан фарқ қилганлигини аниқлашлари керак. (30 дакика) • Синфдаги муҳокама: Гуруҳлар ўзларининг хулосалари билан бўлишадилар. Иш тажрибасидан энг яхши фойдаланиш учун бажарилиши керак бўлган нарсалар рўйхатини тузиш учун ўзларининг фикрларидан фойдаланинг (ўқувчилар эсламаган А2 дан кўшимчалар қўшинг). Ҳар бир нарсани муҳокама қилинг: нима учун уларнинг ҳар бири муҳим? (20 дакика)
Якуний машқ (40 дакика)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи тақдимоти: Ўтказиладиган кўникмалар нима? • Гуруҳларда машқлар: Гуруҳлар қайси ўтказиладиган кўникмалар ўз секторларида муҳимлигини ва нима учун шундайлигини аниқлайдилар. Шунингдек, улар муҳим аҳамиятга эга бўлган техник билим ва кўникмаларни аниқлайдилар. Бу гуруҳлар ғояларни таққослайдиган синфда мунозарага айланади.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 4-даража Давлат ва хусусий секторларда маъмурий қўллаб-қувватлаш соҳаси бўйича малакалар
Модул	12-модул: Иш тажрибаси
Дарс рақами	4

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларни ишга жойлаштиришга тайёрлаш .
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Ўтказиладиган кўникмалар ҳақида тақдимот. • Интернетга уланган қурилмалар. • Баҳо учун иш дафтари.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФШ: форма шаблони; ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
<p>Бошланғич машқ (20 дакика)</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Мустақил бажариш учун машқ, сўнгра гуруҳларда машқлар: Ўқувчилар ўтказиладиган кўникмага нисбатан кучли ва заиф томонларини, шунингдек, илгари муҳокама қилинган техник билим ва кўникмаларни баҳолайдилар ва бунини жуфт-жуфт бўлиб муҳокама қиладилар.
<p>Асосий машқлар (70 дакика)</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи тақдимоти: АЗ рўйхатидан фойдаланиб, ўқувчилар амалиётдан қандай фойда олишлари мумкинлигини бошқа усулларини ҳам кўрсатиб беринг. (10 дакика) • Гуруҳларда машқлар: Гуруҳлар турли хил имтиёзларни баҳолайдилар сўнгра уларни синфда таққослайдилар. (20 дакика) • Мустақил баҳолаш машқи: Ўқувчилар 1-вазифанинг 2-машқини ўз дафтарларида бажарадилар. (20 дакика) • Ўқитувчи тақдимоти: Индукция нима ва янги ташкилотда ишлашни бошлаган киши учун қандай қилиб яхши бошланғич кўрсатма тайёрлаш керак. (10 дакика) • Синфдаги муҳокама: Ўқувчилар билан уларнинг иш тажрибаларини кузатиб бориш муҳимлигини ва бусиз улар 2-вазифани бажара олмасликларини муҳокама қилинг . (10 дакика)
<p>Якуний машқ (30 дакика)</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Иш пайтида ўқувчиларнинг тахминларини умумлаштириш. Ўқувчилар иш тажрибаси ҳақидаги «энг муҳим 3 та ташвишларини» қайд этишади ва уларни синф билан бўлишишади. Синфдошларини рағбатлантириш мақсадида бошқа ўқувчилардан ушбу саволларга жавоб беришларини илтимос қилинг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 4-даража Давлат ва хусусий секторларда маъмурий қўллаб-қувватлаш соҳаси бўйича малакалар
Модул	12-модул: Иш тажрибаси
Дарс рақами	5

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчиларга ишга жойлашиш бўйича ўз ишларини таҳлил қилиш имкониятини бериш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> Баҳо учун иш дафтари.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФШ: форма шаблони; ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (30 дакика)	<ul style="list-style-type: none"> Гуруҳларда машқлар: Ўқувчилар гуруҳдаги тажрибалари билан ўртоқлашадилар: ишдаги энг яхши ва ёмон даврлари қайси эди?
Асосий машқлар (60 дакика)	<ul style="list-style-type: none"> Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар ўз дафтарларида 3- вазифани бажарадилар.
Яқуний машқ (30 дакика)	<ul style="list-style-type: none"> Умумий машқлар: Ўқувчилар ўрганган нарсалари ва бу уларнинг касб танлашларига қандай таъсир қилишлари тўғрисида тажриба алмашадилар. Бундан ташқари, ўқувчилар келгуси йил курсни ўтайдиган бошқа кишига қандай маслаҳат беришлари мумкинлигини аниқлайдилар.

For information about Pearson Qualifications, including Pearson Edexcel, BTEC and LCCI qualifications visit qualifications.pearson.com

Edexcel and BTEC are registered trademarks of Pearson Education Limited

Pearson Education Limited. Registered in England and Wales No. 872828
Registered Office: 80 Strand, London WC2R 0RL.

VAT Reg No GB 278 537121



ISBN 978-1-4469-6450-7

9 781446 964507 >